O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

МУҲТАРАМА ОНАХОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР
ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД, УМРИНГИЗ УЗОҚ, РИЗҚУ НАСИБАНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 8-mart • Payshanba • 29 (27.674) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март — Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу қутлуғ айёмда, авваламбор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукуҳли кунларда хонадонларимиз фариштаси, оила қўрғонининг бекаси бўлмиш, рўзғорнинг барча юки ва ташвишларини нозик елкасида беминнат кўтариб келаётган, болаларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, уйларимизга орасталик ва файз бағишлайдиган садоқатли умр йўлдошларимизни, уларнинг ҳусну латофатини ўзимиз учун бамисоли янгитдан очгандек бўламиз, уларнинг, барча опа-сингилларимиз, зебо қизларимизнинг ҳурматини бажо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8 март байрами ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало эски замонда кенг тарқалган сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанани, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада такомиллаштириш, аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Бугун қўлга киритган катта ютуқларимизни мамнуният билан эътироф этган ҳолда, мен бутун жамоатчилигимиз, биринчи галда, раҳбар ва фаолларимизнинг эътиборини муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Яъни, ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, авваламбор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида — бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халкимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.

Ўйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковни қабул қилди

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиёқ бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, бугунги учрашув ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига, кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари муштарак. Мамлакатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби тузилмалар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мутасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 минг тонна атрофида эди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлашади. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастур таъминоти, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда бир неча йилдан буён Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатаётгани, ўтган йили М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларни қабул қилгани бунга яхши мисолдир.

Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда.

М.Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифидан кўзланган асосий мақсад савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йил ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковнинг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон билан Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамда сиёсий мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан М.Фрадков ўртасида бўлиб ўтган музокараларда мамлакатимиз вазирликлари ва етакчи иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Музокараларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, хусусан, мамлакатларимиз ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантириш мақсадида ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Бугун авиация ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар соҳасида ўзаро фойдали алоқалар изчил ривожланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон бой энергия ресурслари захирасига, жумладан, Евроосиё минтақасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва транспортировка қилиш соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат.

(Давоми 2-бетда)

ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

2-бет

М.АМИН (ЎзА) олган сурат

МЕҲР ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Дунё яралганидан буён нечанеча буюк зотлар, фозилу оқил кишилар меҳрибон оналар, мунис аёлларни мадҳ этиб, улар шаънига кўплаб ибратли фикрларни билдирган, тараннум этган. Халқимиз бой маънавий меросини кузатсак, аёлларга нисбатан бундай ҳикматли сўзлар кўплаб айтилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини оширишда чинакам давр бўлди. Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада оширишга, ҳуқуқий, интеллектуал, касб маҳорати ҳамда савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини юртимизнинг ҳар бир аёли, қизи чуқур ҳис қилаяпти.

Муҳтарам Президентимизнинг **«Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир»,** деб айтган таърифларини мамлакатимиздаги барча аёллар кўтаринки руҳда кутиб олдилар. Юртбошимиз томонидан хотин-қизларга билдирилган бундай эътибор ва ишонч уларга янада катта кучғайрат бағишлаб, янги марралар сари етаклади, оналик масъулиятларини янада оширди.

Дарҳақиқат, янги авлодга ҳаёт инъом этаётган оналар ҳар қанча эъзозга лойиқ. Чунки у миллат бунёдкори ва тарбиячисидир. Аёллар жамият кўрки, меҳр-мурувват ва эзгулик тимсоли. Юртбошимиз 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилаётиб, аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим, деган эдилар.

Президентимизнинг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган бўлди.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритилиб, унга кўра, йигирма йиллик иш стажига ва иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турларига эга бўлган аёллар эллик тўрт ёшга етганларида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар, бундай аёллар пенсияга чиққан тақдирда ҳам меҳнат фаолиятини давом эттиришлари мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ҳам қўшимчалар киритилиб, унга кўра, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган. Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида бундай ҳуқуқдан фойдаланаётган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Эътироф этиш керакки, бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун бериладиган таътиллар ҳамма ривожланган давлатларда ҳам бор, деб айта олмаймиз. Бу таътиллар аёлларимиз учун оқ сути билан фарзандлари юрагига одамийлик фазилатларини сингдиришга, алласи орқали уларни ватанпарварлик, ҳалоллик, мардлик ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга яратилган шароитдир.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид кўплаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур Фармонга биноан юртимизнинг ҳар бир маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият кўрсатаётгани миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилаяпти.

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бу эътиборнинг ҳам катталигини инкор эта олмаймиз.

Бугун хотин-қизларимизнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги фаоллиги алоҳида эътирофга лойиқ. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга қўшимчалар киритилиб, унга кўра «Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим», дейилди.

2004 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда Қонунчилик палатасига номзоди қўйилган хотин-қизлар жами 159 тани ташкил қилди. Улар кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этдилар, сиёсий етуклик, ақлзаковатда бир-бирларидан қолишмадилар. Натижада Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 21 нафарини, яъни деярли 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан қарийб икки ярим баравар кўпдир. Сенаторларнинг 15 нафарини, яъни 15 фоизини ҳам турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, бир сўз билан айтганда, халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлар ташкил этади.

Аёл жамият кўрки ва таянчи, меҳр-мурувват, эзгулик тимсолларини буюк қадрият сифатида авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас риштадир. Унинг миллатимиз учун янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларидаги улушини, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги барча аёлларни, мунис, муҳтарама онахонларимизни, дилбар қизларимизни байрам билан самимий табриклайман. Ҳаммангизга оилангиз бахт-саодатини, фарзандларингиз камоли ва роҳатини кўриш насиб этсин!

Машкура САФАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар доирасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва энергия хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл» каби етакчи нефть-газ компаниялари билан ҳамкорликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётир. Бугунги кунда Россия компанияларининг Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуидаги инвестицияси миқдори қарийб 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Фан ва техника, таълим соҳасида ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо айланмаси жадал ўсиб бормоқда ва 2006 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди. Россия Ўзбекистонга асосан машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Музокараларда, ўз навбатида, Россиянинг Ўзбекистондан харид қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини янада кенгайтиришдан манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Бугун мамлакатимиз Россия Федерациясига машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Музокараларда коинотни ўзлаштириш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон бугунги кунда катта илмий-тадқиқот салоҳиятига эга. Жумладан, республикамизда МДҲ ҳудудида энг йирик астрономия обсерваториялари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва жаҳон фундаментал илм-фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини берадиган ноёб аэрокосмик ускуналар самарали ишлаб турибди. Музокаларларда Ўзбекистон ва Россия олимларининг имкониятларини бирлаштириш ҳар икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон — Россия музокаралари якунлари бўйича авиасозлик соҳасида ҳукуматлараро битим имзоланди.

✧✧✧

Шу куни Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси М.Фрадков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

М.Фрадков музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Россия Федерациясининг ҳукумати раиси Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Юқори мартабали меҳмон Олий Мажлис Сенати биносини кўздан кечирди.

М.Фрадков оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказган музокаралари натижалари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Мамлакатларимиз Президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, — деди М.Фрадков. — Мазкур музокаралар чоғида мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган кўп томонлама шериклик, стратегик ва иттифоқчилик алоқаларини ривожлантиришдан, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мен Тошкентга бундан 10 йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетганига гувоҳ бўлдим. Мени айниқса шаҳар маркази, унинг кенг майдон ва кўчалари ҳайратга солди.

Анна ИВАНОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари

ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўплангани эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Улбосин Оринбоева, Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи талабаси Зебунисо Муродова, шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар жаррохлиги касалхонаси бош шифокори Моҳиба Обидова, Сергели тумани Жомий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Ҳайдарова юртимизда хотин-қизларни, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбирга файз бахш этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

❖ **Маҳалла — аҳиллик қўрғони**

ОСОЙИШТАЛИК ОШЁНИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори қабул қилинди. Ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. 2005 йилда улар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Намунавий Низом қайта ишлаб чиқилди. Низомга асосан маслаҳатчи маҳалла аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар тафаккурида соғлом, ҳаётий фалсафий асосларни шакллантириш, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ўзи яшаб турган юртга меҳр-муҳаббат, ўзаро биродарлик, тотувлик, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, динга содиқлик, эътиқодга собитлик каби чин инсоний ҳис-туйғуларни тарғиб қиладилар. Шунингдек, маслаҳатчилар зиммасига аҳолини диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкураси таъсиридан, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, миллий ғояларга ёт, миссионерлик руҳидаги қарашлардан муҳофазалаш вазифаси юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардикки, орадан ўтган салкам уч йиллик вақт мобайнида маслаҳатчилар бу борада самарали фаолият юритдилар, маълум тажриба тўпладилар. Улар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни маҳалла аҳолиси орасида чуқур ўрганиш, фуқаролар йиғини кенгаши билан ҳамкорликда одамлар онгида диний бағрикенглик, турли дин ва мазҳабда аҳоли орасида ўзаро қон-қардошлик туйғуларини мустаҳкамлашга аҳамият қаратаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз.

Ҳозирги кунда республикамизда 7879 нафар маслаҳатчи самарали фаолият олиб бормоқда.

Фактларга мурожаат қиламиз. Ўтган даврда жойлардаги маслаҳатчилар томонидан 19361 та оила назорат остига олинди, хонадон аъзолари билан профилактик чора-тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Оқибатда 3006 нафар шахс тўғри йўлдан адашганини англади. Уларнинг 983 нафари хотин-қизлар, 335 нафари ёшлардан иборатдир.

Барча соҳаларда бўлгани каби маслаҳатчи кадрларни ҳам қайта ўқитиш, малака, билимларини ошириш давр талабидир.

— Вилоят, туман, маҳаллаларда сиёсий билимли, ҳаётий тажрибага эга маслаҳатчиларимиз самарали иш олиб боряптилар. Маҳалла маслаҳатчиларининг 59 фоизи ўрта ва ўрта махсус маълумотга эгадир, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Фарида Акбарова. — Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам етарли даражада билимга эга эмас. Шу боис навбати билан барча вилоятлардан маҳалла маслаҳатчиларидан 20 нафари Тошкент Ислом университети ўқув курсларида ўқитиляпти. Улар «Оила», «Ҳуқуқ» мавзуларини, Ислом дини тарихи, дин таълимотини чуқур ўзлаштириб қайтяптилар. Бундай ўқув курсларини вилоятларда ҳам ташкил этишни режалаштириб қўйганмиз.

Яқинда Тошкент Ислом университетида малака ошириш курсларида таҳсил олаётган андижонлик бир гуруҳ маҳалла маслаҳатчилари билан учрашдик.

— Ислом таълимоти ҳақида етарлича тасаввурга эгаман деб ўйлардим, — дейди Марҳамат туманидаги «Шўрқақир» маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Маърифатхон Ҳолмирзаева. — Очиғини айтсам, гоҳида баъзи масалаларда, айниқса, диний эътиқод, Ислом дини таълимоти ҳақида музокаралар бўлиб қолса, бироз иккиланиб, шошиб қолган кезларим бўларди. Бу муқаддас даргоҳда мен ўзимни қизиқтирган, ўйлантирган саволларга жавоб топдим. Айниқса, миссионерлик ўзи нима, илдизи, тарихи, мақсади, ғоялари нималигини чуқурроқ англадим. Энди ўйласам, бу олган билимларим иш фаолиятимда ҳаводек зарур экан. Ўқув курсини тамомлаб, олган билимларимни кўчабошиларга, отинойи, дастурхончиларга, ёшларга ўргатаман.

Маҳалламизда 4078 аҳоли бор, 768 та оила истиқомат қилади, 20 та кўча бор. 2004 йилда шу лавозимга сайланганимда дастлаб ишни ҳар бир кўчага кўчабоши сайлашдан бошладик. Улар маҳалланинг фаол, лидер аёллари. Сўнгра маҳалла отинойиси ва дастурхончисини сайлаб олдик. Ҳозир мен уч ёрдамчим — 20 та кўчанинг 60 нафар лидер, фаол аёллари, участка инспектори билан ҳамкорликда ҳар куни бир хонадонда бўламиз, оилани ўрганамиз, суҳбатлашамиз.

Осойишталик, юртимиздаги тинч-тотувлик, фаровонлик жамиятнинг энг катта бойлиги.

Юрт равнақини, осойишталигини мустаҳкамлаш, кўп жиҳатдан бизнинг муқаддас Ислом динимизни пок сақлашимизга, иймон-эътиқодимизни бут асрашимизга, бағрикенглик, биродарлик, меҳр-шафқатлилик, киндик қонимиз тўкилган шу тупроқ, заминимизни ардоқлашимизга ҳам боғлиқдир. Маҳалла маслаҳатчилари осойишталикни асраш учун огоҳликка даъват этувчи тарбиячилардир.

Зеро, аёл — осойишталик, эзгулик тарбиячисидир.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОҒЧАДАГИ ОЧИҚ ДАРС

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи қошидаги боғча-мактабда «Одоб — инсон зийнати» мавзуида очиқ дарс бўлиб ўтди. Уни таниқли олима, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева олиб борди.

Очиқ дарс ноанъанавий тарзда — суҳбат асосида ўтказилди. Ўқувчилар ўз қарашларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар. Дарс сўнггида лицей фаоллари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар тадбир юзасидан фикр алмашдилар.

✧✧✧

Суратларда: *очиқ дарсдан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

❖ Лидер аёллар

СУРХОН СУЛУВЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Халқимизда, аёлни эъзозлаган миллатнинг ҳамиша қадри баланд бўлади, деган ажойиб нақл бор. Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини ана шу тушунчадан келиб чиқиб, олиб бормоқда. Аёллар жамиятнинг фахри, миллат давомчисидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорлари аёлларга эътибор ва эъзознинг ёрқин ифодасидир.

Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ана шу ҳаётий зарур ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ушбу Фармон ва Қарорлар аҳамиятини ҳар бир фуқаро онгига етказишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олиб борилаётган чора-тадбирларнинг бош мақсади биринчи галда соғлом авлоднинг дунёга келишига замин тайёрлаш мақсадида аёллар соғлигини ҳар томонлама муҳофаза этишдан иборат бўлмоқда. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, қўмитамиз ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари ҳамкорлигида фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларни доимий равишда тиббий назоратдан ўтказиш, шунингдек, хотин-қизларни спорт оламига кўпроқ жалб этиш орқали улар саломатликларини тиклаш, мустаҳкамлашга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, истеъдод соҳибаларини излаб топиш, қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диққат-эътиборимиздаги долзарб мавзулардан яна бири, бу — ёш қизларни оилага, никоҳга тайёрлашдир. Ҳар бир аёл эътибордан четда қолмаслиги, айниқса ёш қизлар ҳамиша диққат марказимизда бўлиши чораларини излаяпмиз.

Бугунги кун ёшларини эскирган усулларда, яъни қуруқ сўз, ваъз айтиш ёки оддий панд-насиҳат билангина оилага етаклаб бўлмайди. Бунинг ўзи камлик қилади. Шуни назарда тутган ҳолда биз имкон даражасида барча оммавий тадбирларимизни янгича — бадиийлашган усулда ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Тобора оммавийлашиб бораётган ана шундай тадбирлардан бири, икки йилдан буён мунтазам ўтказилиб келинаётган талаба қизларнинг «Оқила қиз» кўрик-танловларидир.

«Оқила-қиз» кўрик-танловлари шунчаки қизиқарли беллашувлар эмас, аслида йўналиши, ташкил этилиши ва олиб борилишига кўра, бадиийлашган семинар-тренинглардир. Бу семинар-тренинглар энг аввало оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Танловлар уч босқичда ўтказилади. Унинг вилоят босқичида ҳам янгилик яратишга ҳаракат қилиняпти. Яъни қатнашчи қизлар бу гал ўзаро беллашмайдилар, балки воҳанинг энг обрўли нуроний онахонлари, таниқли фаол аёллари синов-суҳбатидан ўтадилар. Онахонлар бўлажак оила бекалари билан ҳаётий долзарб мавзуларда дилдан суҳбат қурадилар, турли ҳаётий саволлар берадилар. Айни пайтда бу бой ҳаётий тажрибага эга аёллар ёш қизларга ўзига хос сабоқ ҳам берадилар.

«Оқила қиз» кўрик-танловининг вилоят босқичи чинакамига байрамона тусда ўтиши ҳам муваффақият гарови бўлмоқда. Энг аҳамиятлиси вилоят босқичида иштирок этган ҳар бир қиз жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раисларининг энг фаол ёрдамчи тарғиботчиларига айланадилар ва доимий равишда ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Айниқса, жойлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчиларини, хотин-қизлар қўмиталари кўп сонли фаолларини, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакилларини бу тадбирга жалб этаётганлигимиз ҳам яхши самара бермоқда.

Хуллас, биз бугунги кун ёшлари билан замонавий илғор тушунчалардан келиб чиқиб, мулоқот олиб боришга интилмоқдамиз. Бу эса ҳозирданоқ, ўзининг яхши самараларини бермоқда. Ушбу семинар-тренингларимиз эса тобора оммавийлашиб бормоқда.

Мавлуда ҚОБУЛОВА,
Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

❖ ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

«АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – ВАТАННИ ЭЪЗОЗЛАШДИР»

— ДЕЙДИ ЎзХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ РАИСИ РОБИЯ КОЗИМОВА

Меҳр-муҳаббат, садоқат ва нафосат айёми — 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунининг аҳамияти шундаки, бу байрам ҳар бир инсонни жамиятга аҳиллик ва тотувлик, меҳр-оқибат улашувчи аёлларни шарафлашга ундайди. Зеро, аёлни эъзозлаш халқимиз, миллатимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилатдир. Миллат келажаги — оналар қўлида экан уларни эъзозлаш — Ватанни эъзозлаш демакдир.

— Бу туйғу, — дейди суҳбатдошим. — Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар қалбига сингдирилди. Биргина бу эмас, балки хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ҳис этиб турибмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда аёллар турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган тадбирлар хотин-қизларга бўлган эътибор, ғамхўрлик намунасидир. Бундай ғамхўрликдан вилоятимизда яшаб, меҳнат қилаётган 813 мингдан ортиқ хотин-қиз ҳам четда қолгани йўқ. Ўз навбатида улар ўз салоҳиятларини тўлиқ намоён этиб, турли соҳаларда фаоллик кўрсатишмоқда. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётганлигини партиядошларимиз мисолида ҳам яққол кўрса бўлади.

22 минг нафардан зиёд аъзога эга бўлган вилоят партия кенгашида 6806 нафар хотин-қиз ўз тақдирини ЎзХДП билан боғлаган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 15 депутатдан 4 нафари, шаҳар ва туман кенгашларида фаолият кўрсатаётган 102 депутатдан 18 нафари сафдошларимиздир. Ёки бултур май, июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларнинг сайловларида ҳам кўп овоз олганлар ХДП аъзоси бўлган хотин-қизлардир. Халқ депутатлари вилоят ҳамда Бухоро шаҳар Кенгаши депутати, «Шаҳбоз-Шаҳром» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева, машҳур зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова, Вобкент туманидаги Ҳузро маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзибиби Эсанова сингари ўнлаб партиядошларимиз «Фаол аёллар» қанотининг таянчи, тадбиркор раҳбар сифатида танилганлар.

«Фаол аёллар» қаноти вилоятда аёллар учун янги иш ўринлари яратиш устидан мунтазам мониторинг ишларини юритяпти. Бултур вилоятда аёллар учун 18841 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлардан 3655 нафари иш билан таъминланди. Маълумки, спорт соғлом бўлишнинг муҳим воситаси. Сўнгги йилларда қишлоқларда қурилган спорт мажмуалари хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

«Ижтимоий ҳимоя йили» вилоят ҳудудий дастурида жисмонан ва маънан соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, «соғлом она, соғлом бола» ҳаракатини кенг кўламда рағбатлантириш бўйича аниқ вазифалар ўрин олган. Бу эса аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини кенгайтириш, оила ва жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, эзгулик, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДП: электорат манфаати

РЎЗҒОРИМИЗ БУТ БЎЛДИ

БУНГА ЭСА КАСАНАЧИЛИК ТУФАЙЛИ ЭРИШИЛДИ

— Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони корхоналар учун ҳам, ўз меҳнати ва хизматини таклиф этаётган одамлар учун ҳам янги имкониятлар яратди, — дейди Тошкент шаҳар Ҳамза тумани меҳнат бўлими раҳбари Ҳайдарали Муҳаммадалиев. — Туманимизда жойлашган 17 та корхона билан 531 та меҳнат шартномаси тузилган. Шуниси диққатга сазоворки, касаначиларнинг 373 нафари аёллар, 49 нафари эса ногиронлардир. Бу меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ногирон кишилар ҳам оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин, дегани.

Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Нажот йўли» жамоа бирлашмаси меҳнатчиларининг қарийб 60 фоизи ногиронлардан иборат. Бирлашманинг металл қувур, том ёпиш материаллари, сочиқ ишлаб чиқариш цехларида ишлайдиган ногиронларнинг меҳнат тартиби соғлом одамларникидан фарқ қилади — улар қисқа иш куни имтиёзидан фойдаланадилар. Корхонада бунинг учун барча шароитлар бор, ногиронлар тўрт мучаси соғ одамлардан кам даромад топмаётганларидан, табиийки, кўнгли тоғдек ўсади.

— Афсуски, бирлашмамизнинг хайрли ишлари ҳақида эшитиб, иш сўраб келган айрим ногиронларга рад жавобини беришга мажбур эдик, — дейди «Нажот йўли» бирлашмаси раҳбари Озода Алиева. — Сабаби оддий — қисқартирилган иш куни ҳам баъзиларнинг соғлигига жиддий таъсир этиши мумкин, айримларида эса ишга келиб кетишда муаммолар туғиларди. Касаначиликнинг қонуний асослари белгилаб берилганидан кейин бундайларнинг ҳам орзуси рўёбга чикди.

Тумандаги «Тарновбоши» маҳалласи Нигора кўчасида яшовчи Гулнора Азимова хонадонига «Нажот йўли» бирлашмасига қарашли «Истиқбол кўрки» шўъба корхонасининг хизмат машинаси тез-тез келиб туради. Корхона хизматчилари машинадан тўқилган сочиқ ўрамларини тушириб, юк хат асосида Гулнорага топшириб кетадилар. Бир неча кундан кейин эса бу хонадондан тайёр сочиқларни олиб кетишади. Гулноранинг вазифаси — ўрамларни керакли ўлчовда қирқади, тўрт тарафини тикув машинасида тикиб чиқади, тахлайди, — қисқаси маҳсулотни сотишга тайёр ҳолга келтиради.

— Ўзимга яраша иш излаётганимда туман меҳнат бўлими ходими Гулчеҳра Абдуллаева касаначилик ҳақида гапириб шу корхона манзилини берганди, — дейди Гулнора. — Ҳозир ҳам уй бекасиман, ҳам ҳар ойда маош оладиган ишчиман. Ўғлимни уйлантириш тадоригини кўраяпман. Рўзғорга ҳарна бўлса мадад деб товуқ, қўй, қуён боқаяпман. Бу ишлар касаначилик фаолиятимга халақит бермайди.

Касаначи Ўғилой Ўринова ҳам шартнома асосида уйга иш олишнинг қулай томонлари ҳақида гапиради. Қизи, келини ҳам бинойидек чевар бўлиб қолишган, ишларини бекаму-кўст бажаришга ҳаракат қилишади. Улар тайёрлаган сочиқлар сифатига корхона томонидан бирон марта норозилик билдирилмаган.

Наргиза Ҳайдарова «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг энг яхши чеварларидан бири эди. Жигаридан операция бўлиб, ногиронликка чиқди. Кун бўйи бекорчилик энди ўттиз ёшни қаршилаган қиз учун оғир бўлиши турган гап. Наргиза ҳам «Истиқбол кўрки» корхонасининг дарагини эшитди. Мана, ҳозир қиз даромад топаётганидан, ота-онасига оғирлиги тушмаётганидан хурсанд. Энг асосийси, унинг юрагида ҳаётга муҳаббат, яна ишлаш иштиёқи уйғонди.

— Тўла соғайганимдан кейин, албатта аввалги иш жойимга қайтаман. Ҳозир эса касаначилик менга ҳам маънавий, ҳам моддий мадад бераяпти.

«Истиқбол кўрки» шўъба корхонаси раҳбари Назрулло Муродовнинг айтишича, корхонада ҳозир ойига ўн тонна калава ипдан сочиқ ишлаб чиқарилаяпти. Корхона қувватининг ярмидан фойдаланиляпти холос — малакали тўқувчилар етишмайди. Устоз-мураббийликни рағбатлантириш эвазига бу муаммо ҳал этиляпти. Корхонанинг юз фоиз пахта ипидан тайёрланган экологик тоза маҳсулотига четда ҳам харидор кўп. Россияга қатнайдиган тадбиркорлар айнан уларнинг маҳсулотига ишқибоз эканлиги бежиз эмас. Ана шуларни ҳисобга олиб ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ўзлари сотишга қарор қилдилар — Россияда фирманинг савдо уйи очиляпти. Бу — валюта дегани, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари ва янги касаначилар дегани...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил 23, 27, 30 март ва 3, 6, 10, 13, 17, 20, 24, 27 апрель кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзулгуржисавдо»нинг биносида, объектнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига, такроран Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Ўзбектўқимаш» ИЧБ балансидаги қуйидаги авторанспорт воситалари қўйилади:

1. Авт. КАВЗ — 3271 русумли, д/р 32-48 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 2 051 600 сўм.
2. Авт. КАВЗ — 3271 русумли, д/р 32-47 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 2 051 600 сўм.
3. ЗИЛ — 4502 русумли, д/р 08-12 ТНБ, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
4. ЗИЛ — ММЗ — 45021 русумли, д/р 53-57 ТНБ, 1983 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
5. Авт. ЛАЗ — 695 Н русумли, д/р 97-13 ТНА, 1982 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 7 353 500 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзулгуржисавдо» биноси, 4-қават, 428-хона.

Маълумотлар учун тел/факс: 142-43-97

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги барча касб-ҳунар таълими бошқармалари, қишлоқ хўжалиги, банк, солиқ, молия, саноат муассасалари, корпорациялар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2006-2007 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Институт бакалавр ва магистрлари етарли назарий билим ва кўникмалардан ташқари замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва давр талабларига мос келувчи мутахассислардир. Ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати орқали институтга мурожаат қилишлари мумкин. Талабнома билан мазкур муассасада ишга таклиф қилинаётган ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида, шунингдек, қўшимча таклифлар ҳақида институт ректоратига 2007 йилнинг 30 март кунига қадар мурожаат қилишингиз сўралади.

Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари бўйича битирувчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Умумий маълумотлар учун телефон: 8-375-224-17-48, институт маркетинг хизмати бўлими.

Манзилимиз:730000 Қарши шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 225-уй.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг кундузги таълим шакли бўйича 2006-2007 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот

Т/р	Шифр	Магистратура мутахассисликлари	Жами битирувчилар сони	Сурхондарё	Қашқадарё	Шу жумладан Қашқадарё вилояти туманлари				
						Қарши ш.	Қарши	Косон	Ғузор	Қамаши
1.	5А340102	Тармоқлар иқтисодиёти (қишлоқ хўжалиги)	3	-	3	2	-	1	-	-
2.	5А340110	Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (иқтисодиёт)	2	1	1	1	-	-	-	-
3.	5А630101	Деҳқончиликни механизациялаштириш	3	-	3	1	-	1	-	1
4.	5А540301	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	10	-	10	6	2	1	1	-
5.	5А620501	Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси	9	-	9	6	1	2	-	-
		Жами:	27	1	26	16	3	5	1	1

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини кундузги таълим шакли бўйича 2006-2007 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот

Т/р	Шифр	Таълим йўналишлари номи	Жами битирувчилар сони	Сурхондарё	Бухоро	Навоий	Қашқадарё	Шу жумладан, Қашқадарё вилояти туманлари													
								Қарши ш.	Қарши	Косон	Касби	Мириш-кор	Муборак	Нишон	Ғузор	Деҳқоно-бод	Қамаши	Яккабоғ	Чироқчи	Шаҳри-сабз	Китоб
1.	5340100	Иқтисодиёт	53	1	-	1	51	14	4	5	4	-	4	-	2	1	1	1	8	6	1
2.	5340200	Менежмент	15	-	-	-	15	3	3	4	-	-	-	1	-	-	2	1	-	1	-
3.	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	35	1	-	-	34	8	1	8	2	2	1	1	2	1	1	2	4	1	-
4.	5540700	Агроинженерия	42	-	-	-	42	6	9	8	2	-	2	2	2	3	1	3	2	2	-
5.	5540800	Сув хўжалиги ва мелиорация	24	3	1		20	5	2	2	2	-	1	2	2	-	2	1	-	1	-
6.	5620700	Ер тузиш ва ер кадастри	17	1	-	1	15	5	5	-	1	-	-	1	-	-	2	-	-	1	-
7.	5620300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	6	-	-	-	6	-	1	1	2	1	-	-	-	-	-	1	-	-	-
8.	5620200	Агрономия	15	-	-	-	15	-	4	2	3	-	-	3	1	-	-	-	1	-	1
9.	5620500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси	28	-	-	-	28	4	6	9	-	4	-	1	1	-	-	1	-	1	1
10.	5641000	Фермер хўжалигини бошқариш	13	1	-	-	12	1	1	3	1	-	1	1	1	-	1	1	1	-	-
11.	5850100	Атроф-муҳит муҳофазаси	22	1	-	-	21	2	3	3	2	-	1	-	2	2	2	2	2	-	-
12.	5540300	Нефть ва газ иши	94	-	2	-	92	32	5	15	6	2	4	-	14	2	5	2	2	2	1
13.	5520100	Иссиқлик энергетика	25	1	-	-	24	8	4	1	1	-	-	1	6	1	-	-	1	-	1
14.	5520200	Электр энергетика	45	5	-	-	40	11	3	3	4	-	3	4	3	3	1	-	2	-	3
15.	5140900	Касб таълими (электр энергетика)	17	-	-	-	17	7	1	1	-	-	1	1	2	2	2	-	-	-	-
16.	5140900	Касб таълими (агроинженерия)	20	1	-	-	19	1	1	4	3	-	1	-	2	-	2	1	2	1	1
		Жами:	471	15	3	2	451	107	53	69	33	9	19	18	40	15	22	16	25	16	9

❖ Бир қўшиқ тарихи

«ОНАМ ДЕРМАН...»

БУНДАН ҚИРҚ БЕШ ЙИЛ ИЛГАРИ ИЛК БОР ҚУЙЛАНГАН ЭДИ

Ҳар гал шу номли қўшиқни тинглаганимда, онажоним ёдимга келаверади. Йигитлик чоғларим. Етти кишилик оила дастурхон атрофида жамланган. Кўклам нафаси уфуриб турган оқшом. Телевизорда концерт.

— Ия, «Онам»ни бошладику, овозини кўтарчи...

Уйда отамнинг гапи-гап эмасми, ҳаммамиз сукут сақлаб, еб-ичишдан тўхтардик. Азиз ва муқаддас аёл, мўътабар ва мехрибон она мадҳиясидан, қўшиқ ижросининг баланд пардаларда, ёқимли оҳангда таралиши, сўзларининг тиниқ айтилишидан сархуш, хаёлга чўмган отам билан онамнинг кўзлари намланарди. Айниқса, онамга осон бўлмагани аён. Ахир, алғовдалғовли ва уруш йиллари дунёга келган беш нафар ўғилни тўғри, ҳалол, солиҳ фарзандлар этиб тарбиялаш нечоғли осон бўлмаганини ўзим ҳам улғайгач бошдан кечирдим.

Қўшиқ тугагач, ажиб овоз соҳиби шаънига дуолар ўқиб, раҳматли онам дердилар:

— Бундай исми жисмига монанд ҳофиз овозидан баҳраманд бўлиш ҳам қутлуғ неъмат. Уни тинглаш насиб этган экан, шукрона айтиш жоиз... Аввало, куй-қўшиққа ҳамроҳ киши ҳеч кам бўлмайди. Тинглаганда фақат оҳангига маҳлиё бўлмай, сўзлари маънисига диққат қилинса, ахлоқ-одобга, меҳр-муҳаббатга чорловнинг гўзал мантиғини англаймиз. Ижросини санъатга айлантирган хонанда қўшиққа жон ато этган... Эшитиб туриб, тасаввуринг бойийди, кўнглингда эзгулик уйғонади, шарқона қадрият туйғулари жўш уради...

Таъбир жоиз бўлса, айнан қўшиққа бўлган меҳрданми, кўплаб ўзбек оилаларидаги ўзаро муносабатларда ижобий ўзгаришлар юзага келганлиги тўғрисида мисоллар кўп.

— Оромбахш, ўйлантирувчи, ҳайратга солувчи бу қўшиқ ҳақида устоздан кўп ҳикоятлар эшитганман, — дейди тарих фанлари доктори, хушовоз хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов. — Қўшиқ яралгач, орадан бир йил ўтди. Дастлаб Самарқандда уюштирилган катта бир концерт олқишларга бой бўлди. Ўшанда билиб-билмай онасига қўл кўтарган ва унинг дилини оғритган бир йигит қўшиқдан қаттиқ таъсирланган шекилли, тўғри уйига бориб, «Онам дерман»ни эшитгани, хато қилгани, гуноҳга қолгани ҳақида завжасига айтади. Кейин болаларини олиб, онаси ҳузурига қайтади... Эртасига ўша онаизор меҳмонхонага бориб, ҳофизни сўраган. Шунда концертни олиб борган санъаткор Муҳаббат Мусаева (раҳматли) устозга бу хабарни етказиб, уларни учраштиради. Она севинч ёшларини артаркан дейди: «Болагинам, сиздан миннатдорман. Ўғлим уч йилдан бери уйга келмасди. Қўшиғингиз шарофати туфайли қошимга узр сўраб, йиғлаб келди...».

Хоразм сафари чоғида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз беради. Концертдан кейин бир аёл хонандага учрашиб, онаси «шу ҳофизни бир кўрсам...» деб ният қилиб юрганлигини айтади. Санъаткор она томонга ошиқади. Она шунда: «Узр, ўзингизни бир кўргим келувди. Лекин юролмайман. Барака топсин, келиним қўшиқларингиз ёзилган пластинкани келтириб берди. Патефон игнасини янгилаб, тинглаганим-тинглаган... Ўғлим, қўшиқларингиз менга шифо бўлди. Астааста юраяпман ҳам. Илойим, кўз тегмасин, умрингиз узоқ бўлсин» — деб дуо қилади.



Ҳанузгача одамлар ўртасида қўшиқнинг яратилиш тарихи, ижронинг маромига етгани ҳақида ҳар хил фикрлар юради. 45 йилдирки, ҳамон севиб тинглаётган мазкур қўшиқни миллий санъатда ўзига хос лирик қўшиқлар мактабини яратган, ёқимли овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров ижро этгандилар.

— Бир куни шоир Ёнғин Мирзо билан сўрашиб турсам, — эслайдилар Фахриддин ака. — Бироз хомушроқ кўринасиз, ҳофиз, — деб қолдилар.

— Шу денг, тақдирул азал экан, онамиз омонатларини топшириб қўйдилар, — дедим оҳистагина. Биз хайрлашдик.

Орадан уч кун ўтиб, у киши (биз ҳамиша ҳамкорлик қилардик) қўлимга бир қоғоз тутқазди ва: «Ўқиб кўрасиз», деди-да кетди. Қарасам, шеър: «Онам дерман»... Қуйма сатрлар. Вужудимни янги қўшиқ билан онам руҳини шод этгудек ажиб бир кайфият қамради. У шеър эмас, очиғи буюк зотга муносиб бағишлов, муносиб мадҳия эди. Беихтиёр торни қўлга олдим. Аввалига секин хиргойи қилдим, кўп уриндим. Тўғриси, қўшиқни ҳозиргидек айтиладиган даражада қолипга солиш осон бўлмади. Ниҳоят, икки оҳангли қисмга бўлиб-бўлиб айтиш билан муддаога етдим. Назаримда, «Онам» дейману, жаранги ҳамма оналарга бирдек тараладиган эди. Хулласи, қўшиқ ўзимни ҳам юпатди, куйлаганим сайин дилим ёришаверди...

Бу дунёда улуғ зот,
Ким десанг доим,
Онам дерман!
Ҳаётим устуни синмас,
Фидокорим онам дерман!

Қўшиқ саҳнада айтилиб, эфир тўлқинлари орқали таралгач, мухлислар мамнуниятини баён этилган хатлар, раҳматномалар ёғила бошлади. Тўғри, гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, бир кишигина эътироз ҳам билдирди: «Сиз аёлни улуғ зот дебсиз, ахир буюк зот Оллоҳ эмасми?» деб ёзиб-ди. Жавоб йўллашга тўғри келди: «Азизим, тўғри англабсиз. Оллоҳ — ягона ва танҳо олий зот. Тангри инсонни барча жонзотлар орасида онгли ва мукаммал қилиб яратган. Одам яратилишининг ўзи мўъжиза. Энди бизни дунёга келтиргани, ардоқлагани учун ҳам биз онани улуғ зот деб эъзозлаймиз», деб ёздим. Кўп ўтмай ўша одамдан: «Узр устоз, андек англашилмовчилик бўлибди», деган жавоб хати ҳам олганман.

— Нозик таъб, қўшиқсевар халқимиз бор, — дейди ҳофиз. — Улар мени тинглашганда, қалбан ифтихорланаман. Ажиб замонда, тинчлик ва барқарорликда бардавоммиз. Санъат, қўшиқчилик олдида кенг уфқлар очилаяпти. Ўзим ҳам истиқлол йилларида кўпроқ эътибор топдим. Давлатимиз ва халқимизга қилган кўп йиллик меҳнатларим мўносиб баҳосини олди. «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонига сазовор бўлдим. 90-йиллар бошидаёқ қўлимдан маҳкам тутиб, одамлар кўз ўнгида кўнглимни олган Президентимиз билан учрашув лаҳзаларини умрбод фахр билан эслайман, дуо қиламан.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ҳофиз ҳақида шундай деганди: «Мен ижро этилаётган қўшиқнинг матнига ва уни ҳофиз қай даражада англаб ижро этаётганига кўпроқ эътибор бераман. Худди шу маънода Фахриддин Умаров қўшиқ матнига нисбатан ниҳоятда талабчан. ...Матн жиловларини тингловчи қалбига юксак даражада етказа олади. Қўшиқларида ҳар доим куй билан матн бир-бирига уйғун, вобаста бўлади. Бу ҳол ҳофизнинг бағоят етуклигидан дарак...».

Дарвоқе, ҳозир ҳам қўшиқ куйланаётганда ҳаммамиз беихтиёр хонишга қўшилиб «Онам дерман...» — дея жўр бўлишимиз, ёхуд кўзларимизни юмганча, тебрана-тебрана тинглашимиз, табиий... Унинг қалбларимизга илк бор кириб келиши тарихи эса қисқача шундай...

Ҳайдар НОСИРОВ

❖ Янги шеърлар

ЧИРОЙИДАН БУТУН ОЛАМ ҲАЙРАТДА

УСТОЗЛАРИМГА

На кўздан, на тилдан бўлди халқ жудо,
Чидаса бас дунё қалблар чўғига.
Қўймади қатордан уларни Худо,
Қайишгач юртининг очу тўқига...

Бўлди қалқон қанча кўзлар ўқига,
Бўлсин деб ҳар кимда элига хослик.
Шукр, қалам билан чиқди чўққига,
Бир миллат, адабиёт — инсоншунослик.

Эрк учун зар халқин асраб кўз ёшдан,
Кўрган бу ёлғончи неча хонликни.
Бир кунда минг марта ўтказган бошдан,
Зулматни енгишдек қаҳрамонликни.

Билган малҳам, Орол тупроқ-гардини,
Қанча дўсти бордир денгиз ортида.
Кўтарар дунёнинг катта дардини,
Оллоҳ назар солган кичик юртида.

Кўргани, билгани, ёзгани — Ҳақдир,
Неча йил, неча аср, неча ойларнинг.
Ерни туз босса-да, қисмади тақдир,
Овози булбулдек бўзтўрғайларни...

Гулчеҳра РАҲИМОВА,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ЙЎЛИМ

Шодон болаликнинг гўзал онлари,
Юртим қучоғида яшнадим мен ҳам.
Бунда камол топмиш юрт ўғлонлари,
Сенга талпинаман жонажон ўлкам.

Бу оламда битта Ўзбекистоним,
Бунда ягонадир, Тошкент ҳам битта.
Шу тупроққа уйқаш ҳар томчи қоним,
Чиройидан бутун олам ҳайратда.

Самарқанддир, Бухоро, қўҳна Кеш аҳли,
Темур бобом қурган меросни асрар.
Унга бутун Турон, Туркистон ҳақли,
Ўктамдир, ўтса ҳам неча асрлар.

Ёшлигим шуур-ла тўлди гулларга,
Бу кун қайга чўзсам етгайдир қўлим.
Жўр бўлсам арзийди шўх булбулларга,
Мустақиллик йўлим, озодлик йўлим.

Зарнигор МАДРАҲИМОВА,
Марғилон тиббиёт коллежи талабаси

❖ Биласизми?

БАЙРАМ ГУЛДАСТАСИ

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Аёлни гулга қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Аёллар борки, кўзимизга гул каби чиройли кўринади, унинг нурли юзига боқиб ҳақиқий гўзаллик ва нафосатни ҳис этамиз. Шу боис ҳам баҳорнинг илк байрами — 8 мартни бошқа айёмлардан фарқли ўлароқ гулларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аслида ҳам аёл учун гулдан-да яхшироқ совға йўқ. Шу куни ҳар ким ўз севикли инсонига — мунис онаси-ю меҳрибон устозига, қадрдон ҳамкасби, қўйинки кўнгилга яқин ҳар бир кишисига гул беришга ошиқади. Биз «Тошкент гуллари» хусусий фирмаси раҳбари Маъруфжон АЛИЕВ билан байрам учун гул танлаш маданияти хусусида суҳбатлашдик.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

— Айтингчи, 8 март — байрам гулдастаси қандай тайёрланади, унинг бошқа вақтдаги гулдасталардан фарқи нимада?

— Бу байрам баҳорнинг илк айёми, шунингдек, аёлларимизнинг энг севган куни бўлганлиги боис кишидан яхшигина эътиборни талаб қилади. Дунёда хунук гулнинг ўзи йўқ, ҳар бир гулнинг ифори, таровати ўзгача. Шу боис бу гулни ёмон, бунисини яхши, деб бўлмайди. Шунингдек, ҳар бир аёлнинг ҳам кўнглига ёқадиган гули бўлади. Яна шунга эътибор қаратиш лозимки, баъзи аёллар гулдастани яхши кўришса, бошқалар саватга солинган гулларни, яна айримлар шунчаки табиий гулларни ёқтиришади. Ахир гул беришнинг ҳам ўзига хос нозик жиҳатлари, одоби, меъёри, маданияти бор. Шунинг учун ҳам аёл ёқтирадиган гул билан бирга у севган гулдаста услубини ҳам билиш муҳим. Шундагина бу гулдастани олган аёл ўзини дунёдаги энг бахтли инсон дея ҳис қилади, бу кунни доимо ёдида сақлайди. Агар баъзилар, гул бермоқчи бўлган инсони қайси гулни ёқтиришини билмаса, ёшига қараб ёрқин рангли гуллардан тайёрланган гулдаста берган маъқул.

Бизнинг ўзбек аёллари асосан қизил рангли гуларни яхши кўришади. Шундан келиб чиқиб ёш қизларга, аёлларга ўткир ҳидли атиргул, гербера, амарилис каби гулларни берган яхши. Оналарга эса асосан оқ қала ва чиннигул ёки ҳар хил гуллардан тайёрланган гулдасталарни бериш лозим. Шунингдек, ёш қиз ва аёлларга бериладиган гулдаста билан каттароқ ёшлиларга бериладиган гуллар ифорида ҳам фарқ бор. Ёшларга ўткирроқ ҳидли гул бериш маъқулроқ бўлса, оналарга иложи борича нозикроқ ифорли гулдасталарни тақдим қилиш лозим.

— Сизнингча, бугун кўпроқ қайси гулларга талаб катта?

— Мустақиллик йилларида юртимизга чет мамлакатлардан гуллар келтирилиши кўпайди. Табиийки, аёлларимизнинг гул танлаш борасидаги диди ҳам ўзгариб бормоқда. Илгарилари дўконларимизда асосан атиргул ва чиннигулларгина бўларди. Ҳозирда улар сафига гербера, амарилис, кала, лилия, хризантема, гипсофела, архидея кабилар қўшилди. Шундай бўлса-да, байрам арафасида, байрам кунларида бизда энг кўп сотиладиган гуллар атиргул ва чиннигуллардир.

— Ўзимизда ўстирилган гуллар билан хориждан келтирилганининг фарқи нимада? Бугун, байрам муносабати билан юртдошларимизга қандай гулларни тавсия қилган бўлардингиз?

— Бизда етиштирилган гул билан хорижникининг фарқи катта. Масалан, атиргулни олайлик. Голландияда етиштирилган атиргул сифатидаям, кўринишидаям етарлича фарқ бор. У гуллар доирилангани боис узоқ сақланади. Бизнинг атиргуллар узоқ сақланмайди, аммо юз фоиз табиий. Ҳиди ҳам улардан бир неча баробар кучли. Шунинг учун ҳам мен ўзбек аёлларига, гўзал, лобар қизларимизга юртимизда етиштирилган гулларни совға қилишни тавсия этган бўлардим.

Фурсатдан фойдаланиб, барча опа-сингилларимизни гўзаллик, нафосат ва муҳаббат байрами билан табриклайман.

Жасур ҲУСАНОВ
суҳбатлашди

Юнусобод тумани 9-кварталидаги капитал таъмирланган, поли паркет, 5 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 4 хонали уй СОТИЛАДИ

Телефон: 121-73-31

ASAKA BANK

«Асака» банки жамоаси

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва баҳор байрами — 8 март билан самимий қутлайди.

Азиз аёлларимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Ҳамиша бахтиёр ва гўзал бўлинг, чеҳрангиздан табассум аримасин!

Шу билан бирга банк миллий валютада янги «Саховат» омонат турини таклиф этади.

Омонатни сақлаш муддати — 1 йил.

Омонат бўйича йиллик 18 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра, ҳар ойда берилади. Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda